

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.40/29.12.2022.Т.129.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

СОХИБОВ ДИЛШОД ЗАЙНИДДИНОВИЧ

**АНОМАЛ ҚАТЛАМ ШАРОИТИДА ҚУДУҚЛАРНИ БУРҒИЛАШ
ЖАРАЁНИДА СОДИР БЎЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ФАВҚУЛОДДА
ВАЗИЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат, ядро ва
радиация хавфсизлиги**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2025

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Сохибов Дилшод Зайниддинович

Аномал қатлам шароитида қудуқларни бурғилаш жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган ғавқулда вазиятларни олдини олиш усуллари тақомиллаштириш..... 3

Сохибов Дилшод Зайниддинович

Совершенствование методов предотвращения чрезвычайных ситуаций, которые могут возникнуть в процесса бурения скважин в аномальных пластовых условиях..... 21

Sokhibov Dilshod Zainiddinovich

Improvement of methods for preventing emergency situations that might occur during well drilling under anomal layer conditions 39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.40/29.12.2022.Т.129.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

СОХИБОВ ДИЛШОД ЗАЙНИДДИНОВИЧ

**АНОМАЛ ҚАТЛАМ ШАРОИТИДА ҚУДУҚЛАРНИ БУРҒИЛАШ
ЖАРАЁНИДА СОДИР БЎЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ФАВҚУЛОДДА
ВАЗИЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат, ядро ва
радиация хавфсизлиги**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2025

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.4.PhD/Т3071 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.akademiya.fvv.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муртазаев Қувондиқ Мустафаевич
техника фанлари доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар:

Бекназаров Хасан Соибназарович
техника фанлари доктори, профессор

Сабиров Эркабой Эркинбоевич
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши муҳандислик–иқтисодиёт институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.40/29.12.2022.Т.129.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент шаҳри 100102, Янгиҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5–уй. Тел: (71) 258–56–57), E–mail:info@akademiya.fvv.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: Тошкент шаҳри, Янгиҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5–уй. Тел. (71) 258–56–57).

Диссертация автореферати 2025 йил “_____” _____ куни тарқатилди.
(2025 йил “_____” _____ № _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.Т.Ибрагимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.М.Дўсматов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.ф.н., доцент

Р.И.Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларни олиб келувчи нефть ва газ саноатидаги авариялар ва ёнғин-портлашларнинг содир бўлиши оқибатида атроф муҳит ва инсон ҳаёти хавфсизлигини тامينлаш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Нефть ва газ саноати ривожланган давлатларда ҳар йили қарийб 1600 га яқин авариялар содир бўлиши оқибатларида инсонларнинг ҳалок бўлиши ва жароҳат олишининг кузатилиши таҳлил қилинган. Бу борада нефть ва газ қудуқларини бурғилаш соҳасида содир бўлиш эҳтимоли юқори бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш усулларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Бу борада, қудуқларни бурғилаш жараёнида фавқулодда вазиятларни олдини олиш усулларини такомиллаштириш мақсадида оксидланган крахмал, полифосфат аммоний, кальций карбонат ва крахмал асосидаги модификацияланган бурғилаш қоришмаларининг оптимал таркибини, физик–кимёвий ва механик хоссаларини аниқлаш, олинган бурғилаш қоришмаларни қувурлар коррозияси, атроф-муҳит ва ишчи-ходимларга таъсир механизмини ўрганиш асосида турли талафотларни олдини олиш усулларни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда маҳаллий хомашёлар асосида импорт ўрнини босувчи оксидланган крахмал ва полифосфат аммоний, кальций карбонат ва крахмал асосидаги модификацияланган бурғилаш қоришмаларини олиш ҳамда юқори физик-механик хусусиятларини сақлай оладиган, нефть ва газ қудуқларни бурғилаш самарадорлигини ошириш бўйича илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йиллардаги тараққиёт стратегияси”да¹ иқтисодий ривожлантириш устувор йўналишлари ҳамда маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори сифатли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, янги маҳсулотлар олиш ва технология турларини ўзгартириш масалалари алоҳида белгилаб кўйилган. Бу борада маҳаллий хомашёлар асосида олинган бурғилаш қоришмаларни ишлаб чиқариш, аномал қатлам шароитида қудуқларни бурғилаш жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни олдини олиш усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси ва хорижда сўнги йилларда нефть ва газ қудуқларини бурғилаш муаммолари, илмий ишланмалари билан шуғулланувчи бир қатор олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Нефть ва газ қудуқларини бурғиладда аномал қатлам шароитларда ҳамда фавқулодда вазиятларни олдини олиш усулларини такомиллаштириш бўйича хорижий олимлар В.С.Баранов, В.Д.Городнов, С.Ю.Жуховицкий, И.И.Климашкин, Walter F. Rogers, Н.Г.Аветисян, Б.А.Андресон, Дж.Р.Грей, С.Г.Дарли, Ю.Г.Доценко, Б.Ф.Егоренко, К.Ф.Жигач, Э.Г.Кистер, Г.В.Конесев, В.Н.Кошелев, Н.Н.Круглицкий, Б.Б.Кудряшов, Н.И.Крысин, М.Р.Мавлютов, В.С.Новиков, Н.И.Рылов, А.И.Пеньков, В.Н.Поляков, А.Н.Попов, Г.И.Фукс, И.Г.Юсупов, В.Г.Ясов ва бошқалар томонидан ушбу масалалар юзасидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Республикамизда аномал қатлам шароитларда нефть ва газ қудуқларни бурғиладда ҳамда фавқулодда вазиятларни олдини олиш усулларини такомиллаштириш, бурғиладда қоришмаларни структураси ва хусусиятларни яхшилаш, иқтисодий ва экологик самарадор технологияларини ишлаб чиқиш каби масалаларини ўрганишда бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Мазкур соҳада А.К.Рахимов, А.Т.Джалилов, С.С.Негматов, Б.Т.Ибрагимов, А.М.Муртазаев, У.Д.Мамаджанов, А.А.Рахимов, А.М.Аминов, Т.К.Карабаев, Ш.Х.Умедов, А.А.Раупов, Т.П.Эшпулатов, Б.Р.Пулатов, Ф.Н.Нуркулов ва бошқаларнинг турли йилларда олиб борган изланишлари асосида ривожланиб бормоқда.

Нефть ва газ қудуқларни бурғиладда жараёнларни амалга оширишда фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва салбий оқибатларни камайтириш мақсадида бурғиладда қоришмаларни асосини ташкил этувчи кимёвий таркибларни янги намуналари яратилиб, уларни механик хоссалари ўрганилган.

Аммо, бурғиладда қоришмаларни атроф-муҳит, металллар коррозияси ва ишчи-ҳодимларга салбий таъсирини камайтириш орқали содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни олдини олиш усулларини такомиллаштириш асосий муаммолардан биридир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети нефть ва газ факультети ҳамда Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИЛМ-21091437 “Нефтьга корхоналаридаги қувур ва сифимларни коррозиядан ҳимоялаш ҳамда ярқисиз ҳолатдагиларини қайта ишга тушириш учун юқори физик-кимёвий мустаҳкамлик ва антикоррозион хусусиятларга эга полимер қопламалар олиш технологиясини яратиш” (2023–2025 йй.) мавзусидаги грант лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аномал қатлам шароитида қудуқларни бурғиладда содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни олдини олиш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

крахмал, полифосфат аммоний, кальций карбонат асосида модификацияланган бурғиладда қоришмаларини олиш технологияси бўғиладда

жараёнидаги фантан вужудга келиши натижасида ёнғин ва портлаш хавфини олдини олиш омилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш;

оксидланган крахмал, фосфор сақлаган крахмал ва кальций карбонатни модификациялашнинг оптимал нисбатлари аниқлаш, ҳамда қудуқларни бурғилаш жараёнларда келиб чиқадиган фавқулодда вазиятларни олдини олиш мақсадида қўллашнинг мақбул нисбатлари ишлаб чиқиш;

аномал қатлам шароитида қудуқларни бурғилаш жараёнида олинган бурғилаш қоришмаларни қувурлар коррозияси, атроф–муҳит ва ишчи–ходимларга таъсир механизмини ўрганиш, содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни ва салбий омилларнинг олдини олиш, иш режимини бошқаришни ишлаб чиқиш;

бурғилаш қоришмаларини қатлам сувларга чиқиши, айланма ҳаракатланишини бошқариш, кимёвий реагентларнинг бурғилаш қоришмасини тайёрлаш жараёнининг реал вақт давомида инсон организми ва атроф муҳитга таъсирини камайтиришни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатда республикамиздаги нефть ва газ қудуқларининг бурғулаш жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети оксидланган ва фосфор сақлаган крахмаллар, кальций карбонатни модификациялаш асосида олинган бурғилаш қоришмалари орқали содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни олдини олишнинг таъсир механизми ва техник–иқтисодий омиллари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Аномал шароитда қудуқларни бурғилаш жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни олдини олиш усулларини такомиллаштиришда турли хил таҳлил усулларидан фойдаланилди. Жумладан, инфрақизил спектроскопия (ИК), сканерловчи электрон микроскопия (СЭМ), дифференциал термогравиметрик таҳлил (ДТА), термогравиметрик таҳлил (ТГ), шунингдек, олинган қоришмаларнинг физик–кимёвий хоссаларини аниқлашда стандарт усуллар қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

крахмал, полифосфат аммоний, кальций карбонат асосида модификацияланган бурғилаш қоришмаларини олиш технологияси бўғилаш жараёнидаги фантан вужудга келиши натижасида ёнғин ва портлаш хавфини олдини олиш омилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

оксидланган крахмал, фосфор сақлаган крахмал ва кальций карбонатни модификациялашнинг оптимал нисбатлари ишлаб чиқилди, ҳамда қудуқларни бурғилаш жараёнларда келиб чиқадиган фавқулодда вазиятларни олдини олиш мақсадида қўллашнинг мақбул нисбатлари ишлаб чиқилган;

атроф–муҳитга таъсири паст бўлган бурғилаш қоришмаларини аномал қатлам шароитли қудуқларда бурғилаш жараёнида сувсизланиш даражаси 4–6 % га, қувурларни коррозияланиш даражаси 90 % га яхшилаш асосида содир бўлиши мумкин бўлган авария, сиқилиш, қатламга қоришманинг сингиб кетиши каби салбий омилларнинг олдини олиш ва қурилманинг иш режимини бошқариш асосида ишлаб чиқилган;

бурғилаш қоришмаларини қатлам сувларга чиқиши, айланма ҳаракатланишини бошқариш учун микроконтейнерлардан фойдаланишни жорий этиш, кимёвий реагентларнинг бурғилаш қоришмасини тайёрлаш жараёнининг реал вақт давомида инсон организми ва атроф муҳитга таъсирини камайтириш минимумга келтириш мезони асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Аномал қатлам шароитида қудуқларни бурғилаш жараёнида кимёвий суюқликлар таъсирида ҳосил бўладиган коррозияланиш, атроф муҳитга моддаларни салбий таъсир этиши ва ишчи–ходимлар саломатликларини ёмонлашиши натижасида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни олдини олиш усулларини такомиллаштириш жараёнларни ўрганиш.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Олинган материалларнинг идентификациясига асосланган хулосалар ва тавсиялар юқори информацион, замонавий физик–кимёвий, механик усуллардан (ИК, СЭМ ва ТГ–ДТА) фойдаланилганлиги, тажриба ва назарий тадқиқот натижаларининг ўзаро мутаносиблиги ҳамда ишланманинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мураккаб аномал шароитларда нефть ва газ қудуқларини бурғилаш жараёнларини талафотсиз саноат миқёсида етказиб беришни илмий асослаш.

Аномал қатлам шароитида қудуқларни бурғилаш жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни олдини олиш усулларини такомиллаштириш усулларини таҳлил қилиш ҳамда бурғилаш реагентларни экологик самарадор таркибларни танлаш.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – нефть ва газ қудуқларини бурғилашда қўлланиладиган крахмал, полифосфат аммоний, кальций карбонат асосида модификацияланган бурғилаш қоришмаларини олиш технологияси, ушбу бурғилаш қоришмаларни оптимал миқдори ҳамда фавқулодда вазиятларни олдини олишнинг самарадор механизми ишлаб чиқилганлиги, шунингдек қувурларни каррозиядан ҳимоялашда асосий омил бўлиб хизмат қилувчи қоришмаларни амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аномал қатлам шароитида қудуқларни бурғилаш жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни олдини олиш усулларини такомиллаштириш ва амалиётда қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аномал қатлам шароитида қудуқларни бурғилаш жараёнида қўлланилган оксидланган крахмал ва кальций карбонат асосидаги маҳсулотларни модификациялаш Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг тажриба синов базасида ишлаб чиқаришга ҳамда олинган бурғилаш қоришмалари “Саноат Энергетика Гуруҳи” МЧЖ корхонасида амалиётга муваффақиятли жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 2024–йил, 5–июлдаги 04/15/4773–сонли маълумотномаси). Натижада, аномал қатлам шароитида қудуқларни бурғилаш

жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни олдини олиш усулларини такомиллаштириш мақсадида оксидланган крахмал ва кальций карбонат асосидаги бурғилаш қоришмаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконияти яратилди. Нефть ва газ қудуқларини бурғилашда қўлланиладиган композитлар ва уларни техник иқтисодий самарадорлиги аниқланган ҳамда кенг қўлланилаётган аналогларга нисбатан иқтисодий самарадорлиги 24,7 % га оширишга эришилган.

аномал қатлам шароитида қудуқларни бурғилаш жараёнида қўлланилган оксидланган крахмал ва кальций карбонат асосидаги махсулотларни модификациялаш Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг тажриба синов базасида ишлаб чиқаришга ҳамда олинган бурғилаш қоришмалари “Саноат Энергетика Гуруҳи” МЧЖ корхонасида амалиётга муваффақиятли жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 2024–йил, 5–июлдаги 04/15/4773–сонли маълумотномаси). Натижада, аномал қатлам шароитида атроф–муҳитга таъсири паст бўлган бурғилаш қоришмаларини аномал қатлам шароитли қудуқларда бурғилаш жараёнида сувсизланиш даражаси 4–6 % га, қувурларни коррозияланиш даражаси 90 % га яхшилаш асосида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни олдини олиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий–амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, 2 та нуфузли хорижий журналларда, 4 та Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси рўйхатига киритилган илмий журналларда, 4 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий–амалий анжуманлар тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Нефть ва газ қудуқларни бурғилаш технологиясини такомиллаштиришнинг замонавий усуллари”** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси билан боғлиқ нашр этилган илмий ишларнинг

шарҳи берилган бўлиб асосан нефть ва газ қудуқларни бурғиладда кимёвий маҳсулотлардан фойдаланиш ва мувофиқлигини баҳолаш, Республикамиз нефть ва газ объектларида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни олдини олиш усуллари ва амалга оширилаётган чора тадбирлар, хорижий давлатларда саноат хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятларни олдини олиш усуллари таҳлили, нефть – газ қудуқларини бурғиладда хавфсизлик қоидалари бўйича хорижий тажрибага оид таҳлилий маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Нефть ва газ қудуқларини бурғиладда қўлланиладиган полимер композитлар асосидаги қоришмаларни янги таркибларини яратиш ва хусусиятларини тадқиқ этиш”** деб номланган иккинчи бобида қўлланиладиган модда ва материалларнинг хусусиятлари, тадқиқот усуллари, таркибида оксидланган крахмал сақлаган полимер композитлар асосида бурғиладда қоришмаларни янги таркибларни яратиш ва хусусиятларни тадқиқ этиш, таркибида фосфор сақлаган бўкувчан крахмал полимер композитлар асосида бурғиладда қоришмаларни янги таркибларни яратиш ва хусусиятларни тадқиқ этиш келтирилган бўлиб таркибида фосфор сақлаган бўкувчан крахмал полимер композитлар асосида бурғиладда қоришмаларни янги таркибларни яратиш ва хусусиятларни тадқиқ этишда қуйидаги ишлар амалга оширилган. Нефть ва газ қудуқларини бурғиладда кенг қўлланиладиган полимер композит қоришмалари учун стабилизаторлик хусусияти юқори бўлиб улар совуқ сувда дисперс система ҳосил қилиб бўкиши натижасида бурғиладда жараёнида намликни назорат қилиш имкониятини беради. Ушбу мақсадларни амалга оширишда сувсизлантирилган крахмал маҳсулотлар билан полифосфат аммоний ва минерал пудра (кальций карбонат) реагентлардан ҳарорат таъсирида реактор ёрдамида бўкувчан модификацияланган крахмалларни олиш мумкин. Крахмал, полифосфат аммоний ва минерал пудра (кальций карбонат) (3:0,5:1), (3:2:2), (2:2:2) ва (3:1:1) реагентлардан ҳарорат таъсирида реактор ёрдамида турли хил нисбатларда МКПМ маркали модификацияланган крахмал олинди ва уларнинг нисбатлари қуйидагича (кг):

Крахмал	100–150
Полифосфат аммоний	10–15
Минерал пудра (кальций карбонат)	30–50


1–жадвал

Модификацияланган фосфор сақлаган бўкувчан крахмал композитларни хусусиятлари

МКПМ маркали модификацияланган крахмал.	Нисбатлар	Бурғиладда қоришмасининг хусусиятлари				
		Шартлий қовушқоқ оқувчанлиги, $\mu, \times 10^4$ мП·с	Ротацион вискозиметр айланиш тезлиги, айланиш/дақиқа			Сув йўқотиш, $\text{см}^3 / 30$ дақиқа
			600	300	150	
Крахмал, полифосфат аммоний ва	3:0,5:1	39	148	137	280	7
	3:2:2	44	146	133	274	6
	2:2:2	45	133	124	241	5

минераль пудра (кальций карбонат)	3:1:1	41	149	135	276	6
--------------------------------------	-------	----	-----	-----	-----	---


Модификациялаган фосфор сақлаган крахмални сканерли электрон микроскоп СЕМ анализи орқали композит структурасини ҳосил қилиши жараёнларининг морфологик ўзгаришлари, моддаларни бир бири билан аралашини тадқиқ этилган. Ушбу тадқиқотларда модификацияланган крахмал заррачаларни 10 мкм дан 100 мкм гача бўлган ўлчамлари тадқиқ этилган. Композитлар таркиби кўпбурчак шаклда бўлган тартибсиз шаклдаги гранулаларни ташкил этганлигини тадқиқ этилди. Бундан ташқари 1–расмда келтирилган намуналарда крахмал, полифосфат аммоний ва минерал пудра (кальций карбонат) кимёвий реагентларни турли нисбатлар асосида олинган композитлар ўрганилган бўлиб (а) (2:2:2); (б) (3:0,5:1); (с) (3:2:2), ва (д) (3:1:1) ушбу нисбатларда (б) ва (д) нисбатлар асосида олинган модификацияланган крахмал композит намуналари тўлиқ силлиқ юзага эга бўлган хусусиятга эга бўлиб (с) ва (а) композитларга нисбатан яхши аралашма ҳосил қилганлигини таҳлил этиш мумкин (1–расм).



1–расм. СЭМ анализи: крахмал, полифосфат аммоний ва минерал пудра (кальций карбонат) кимёвий реагентларни нисбатлари (а) (2:2:2); (б) (3:0,5:1); (с) (3:2:2), ва (д) (3:1:1)

Диссертациянинг “Нефть ва газ қудуқларини бурғиладда қўлланиладиган янги таркибли полимер композит асосидаги қоришмаларни физик–механик хусусиятларини тадқиқ қилиш” деб номланган учинчи бобида янги таркибли полимер композит асосидаги бурғиладда қўлланиладиган қоришмаларнинг термик барқарорлигини тадқиқ этиш, полимер композитлари асосидаги бурғиладда қоришмаларни физик–механик ва реологик хусусиятларни тадқиқ этиш, модификацияланган бурғиладда қоришмаларни физик–механик ва реологик хусусиятларни тадқиқ этиш, нефть ва газ қазиб олишда фавқулудда вазиятларни олдини олиш мақсадида бурғиладда қоришмаларни қатлам сувларга чиқиши ва айланма ҳаракатланишини бошқариш учун микроконтейнерлардан фойдаланиш самарадорлигини тадқиқ этиш, аномал қатлам шароитида қудуқларни бурғиладда жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулудда вазиятларга бурғиладда қоришмаларининг

таъсири, хавфи ва республикамиз нефть ва газ конларида қабул қилинган маъмурий жараёнлар, кимёвий реагентларни ва сирт актив моддаларни қуйиш – тўқиш ишларига боғлиқ бўлган ишларни бажариш вақтида хавфсизлик техникаси ва саноат хавфсизлиги, нефть ва газ қазиб олишда қатлам сувларида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни олдини олиш усуллари келтирилган. Полимер композитлари асосидаги бурғилаш қоришмаларни физик–механик ва реологик хусусиятларни тадқиқ этиш. Нефть ва газ кудуқларни бурғилаш самарадорлиги кўп жиҳатдан бурғилаш қоришмаларнинг таркиби ва хоссаларига боғлиқ бўлиб, бурғилаш қоришмалари ёрдамида хавфсиз ишлаш, бурғилаш жараёнини тезлаштириши натижасида иқтисодий ва экологик самарадорликка эришиш мумкин. Бурғилаш жараёнида зичлиги юқори бўлган қоришмаларни тайёрлашда барит самарадорлиги пастлиги натижасида, янги зичлигини ошириш имконини берадиган реагентлар таклиф этиш мақсадида илмий тадқиқотлар олиб борилди. Шундай қилиб тадқиқотлар давомида минерал пудра (кальций карбонат) ёрдамида қоришма зичлигини талабларга мослаштириш имконияти таклиф этилди. Оксидланган крахмал ҳамда минерал пудранинг турли нисбатлари аралаштирилиб бурғилаш қоришмасини олиш жараёнида ҳарорат таъсири натижасида минерал пудра (кальций карбонат) миқдори полимер ҳамда полимерларни кимёвий боғларида қисман ўзгариш содир бўлишига олиб келиши натижасида структураларда чокланиш ҳосил бўлади, сўнгра кейинги тўлдирувчи ва бошқа қўшимчалар қўшилади. 2–расмда ушбу ҳосил бўлган бурғилаш қоришмасини қовушқоқлигини ўзгариши тадқиқ этилган.




2–расм. Оксидланган крахмал асосидаги бурғилаш қоришмасини олишда минерал пудра (кальций карбонат) нисбатини таъсири

1 – қовушқоқлик, 2 – бурғилаш қоришмасини ҳосил бўлиш вақти


Оксидланган крахмал полимери ҳамда минерал пудранинг турли нисбатлари аралашмасида минерал пудранинг нисбати 1–15 % гача тадқиқ этилди. Натижада минерал пудра (кальций карбонат) нисбати 10–12 % гача қўшилганда полимер ва сополимер структураларни боғланиши ҳисобига қовушқоқлик ошиб бориб 30–35 дақиқа давомида бурғилаш қоришмаси стандарт ҳолатга келганлигини кузатишимиз мумкин бўлди. Аралашмага минерал пудра (кальций карбонат) нинг миқдори 12 % дан ошириб борилганда

қовушқоқликни тушиб бориши кузатилди бу эса реакция жараёни якунланганлигини англатади. Оксидланган крахмал нисбати 3,5 % гача қўшилганда 30–35 дақиқада бурғилаш қоришмаси талаб даражасидаги аралашма ҳосил қилди. Аммо тажрибада полимер миқдори ошиб бориши билан қовушқоқлик ҳам ошиб борганини кўришимиз мумкин (3–расм).



3–расм. Оксидланган крахмал нисбатини бурғилаш қоришмасини ҳосил бўлиш вақтига таъсири


Шундай қилиб, оксидланган крахмал асосидаги бурғилаш қоришмасини олиш жараёнида қовушқоқликни нормада сақлаш учун минерал пудра (кальций карбонат) қўшилиши полимер маҳсулотларни бир бири билан қисман боғланишига олиб келди. Бу эса бурғилаш қоришмаси таркибида полимер боғловчилар нисбатан кам миқдорда бўлишига қарамасдан қовушқоқлик нормада бўлишини таъминлади. Ушбу натижалар аналоглар билан механик хусусиятлари билан бирга иқтисодий жиҳатдан ҳам рақобатбардошлигини кўрсатади.



4–расм. pH қийматини таклиф этилаётган бурғилаш қоришмасини ишлашига таъсири

Тажриба синов ишларида бурғилаш қоришмасининг ҳосил бўлиш вақтига нефть ва газ конларидаги кислота ва ишқорий муҳитлари ҳисобга олиниб pH қийматининг таъсири ўрганилди. Натижада 4–расмда келтирилган графикда бурғилаш қоришмаси таркибини ҳосил қилувчи асосий реагентлардан оксидланган крахмал нисбати 3,5 %, акрил крахмал асосидаги сополимер 1–2 %

ва минерал пудра (кальций карбонат) нисбати 10–12 % гача қўшилганда рН қиймати 7 дан 13 гача оралиғида барқарор ишлаши мумкинлиги аниқланди. рН қиймати 9,5–10,5 оралиғида эса оптимал ҳолати деб топилди.



5–расм. Таркибида фосфор сақлаган бўкувчан крахмал асосидаги бурғилаш қоришмаларни янги таркибларнинг термик барқарорлиги

Термогравиметрик таҳлил эгри чизиғи ва дифференциал термик таҳлил эгри чизиғининг таҳлили, қуйидаги 2–жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўришимиз мумкинки 2–оралиқ парчаланишда энг юқори масса йўқотилишини кўришимиз мумкин яъни бу оралиқда массанинг 72,160 % йўқотилган.

2–жадвал.

Термогравиметрия (TGA) эгри чизиғининг таҳлили.

Харорат °С	Вақт (дақиқа)	Масса (мг)	Йўқотилган масса (%)
27,78–132,15	11,45	0,282	9,621
132,15–428,46	29,99	2,115	72,160
428,46–600,46	17,61	0,622	21,221

Термогравиметрик ва дифференциал термик таҳлил эгри чизиғининг батафсил таҳлили, қуйидаги 3–жадвалда келтирилган.

3–жадвал.

Намунанинг масса йўқотишига ҳароратнинг таъсири

№	dw 2.96	1/T	dw/dt	М.г	дақиқа	T ⁰ +К
1	2.83	0.0026	0.025	0.14	5.60	373
2	2.56	0.0021	0.025	0.4	15.60	473
3	1.34	0.0017	0.063	1.62	25.60	573
4	0.92	0.0014	0.057	2.04	35.60	673
5	0.79	0.0012	0.047	2.17	45.60	773
6	0.27	0.0011	0.045	2.69	59.06	878

Намуна учун ушбу жараённинг фаоллашув энергияси қийматлари кўрсатилган. (4–жадвал).

4–жадвал.


Намунанинг термал–оксидланиш таҳлили натижалари.

№	dw 2.96	Ln(W ₁ /W ₂)	1/T *10 ⁻³
1	2.83	0.044	2.6
2	2.56	0.145	2.1
3	1.34	0.792	1.7
4	0.92	1.168	1.4
5	0.79	1.321	1.2

6	0.27	2.394	1.1
---	------	-------	-----

Шундай қилиб тадқиқотлар натижасида нефть ва газ қудуқларини бурғилашда қўлланиладиган янги таркибли оксидланган крахмал, таркибида фосфор сақлаган бўқувчан крахмал, оксидланган крахмал, крахмал ва декстрин асосидаги бурғилаш қоришмаларни янги таркибларнинг термик барқарорлиги 310–420 °С ҳароратда 50 % ни ташкил қилди. Таҷриба натижалари оксидланган крахмалнинг бурғилаш қоришмасидаги миқдори хусусиятларни тўлиқ яхшилаш имкониятини бермайди. Шунинг учун ҳам ушбу бурғилаш қоришмаларга минерал пудра (кальций карбонат) ҳамда гил қоришмаси қўшилиши орқали унинг филтрланиш хусусиятини барқарорлашиши таъминланади. Оксидланган крахмални бир бирига яқин миқдорда бурғилаш қоришмасига қўшилиши қовушқоқлик ва филтрланиш хусусиятини камайишини олди олади. Бунинг натижасида бурғилаш қоришмаси ҳарорат таъсирида 15 кундан сўнг текширилганда ҳам хусусиятларни сақлаб қолишига хизмат қилди.

Оксидланган крахмал ва декстрин асосидаги бурғилаш қоришмаларнинг реологик хусусиятлари тўрт хил нисбатдаги қоришма таркибига минерал пудра (кальций карбонат) ва гил қоришмаси қўшилиши билан ҳарорат таъсирида қовушқоқликни ўзгариши натижасида деформацияланиш тезлигини ошиб бориш ўрганилди.



6–расм. Оксидланган крахмал ва декстрин асосидаги бурғилаш қоришмаларни ҳарорат таъсирида қовушқоқликни деформацияланиш тезлигига боғлиқлиги

Ҳарорат таъсирида қовушқоқликни деформацияланиш тезлигига боғлиқлиги ҳарорат ошиб бориши натижасида (a), (b), (c) ва (d) ҳолатларда қовушқоқлик камайганлигини кўриш мумкин. Бундан ташқари деформацияланиш тезлиги қисман ўзгариш ҳосил қилган. Ушбу натижалар ҳам декстрин (3 %), оксидланган крахмални (5 %) ва минераль пудра (кальций карбонат) 30 % гача қўшилганда яхши натижа бериши аниқланди.


Нефть ва газ саноати корхоналарида бурғилаш жараёнларда қўлланиладиган кимёвий қоришмаларни қатлам (ер ости) суюқликларга аралашиб кетиши натижасида келиб чиқадиган йўқотишларни (қатлам сувларга кимёвий қоришмаларни чиқиши натижасида атроф муҳитга салбий таъсир этиш ҳолатлари) бартараф учун 10–15 йилни ташкил этиши тадқиқ қилинди. Нефть газ қазиб олишда бурғилаш кимёвий суюқликлар йўқотишларни (қатлам

сувларга кимёвий қоришмаларни чиқиши натижасида атроф муҳитга салбий таъсир этиш ҳолатлари) олдини олишда қуйидаги ишларни бажаришни илмий тадқиқотлар жараёнида таҳлил қилиб чиқиши эвазига, қуйидаги ҳолатларга боғлиқ эканлиги аниқланди.

Кимёвий қоришмаларни қатлам сувларига чиқиб кетиши ва ютилиши маҳсулдор қатламни коллектор хоссаларининг ёмонлашишига олиб келиши мумкин, бу эса қудуқлардан нефть газ қазиб олишни камайишига олиб келиши, нефть газ қазиб олишда қатлам сувларга кимёвий қоришмаларни чиқиши натижасида атроф муҳитга салбий таъсир этиш бурғилаш жараёнида қатламда углеводород ҳамда сув оқимларни ўзгариши натижасида оқимлар каналларда силжишлар ҳосил бўлиши ўрганилди. Кимёвий қоришмаларни қатлам сувларига чиқиб кетиши натижасида фавқулодда вазиятлар юзага келиши ва уларнинг оқибатларни бартараф этиш жараёнида қудуқларни бурғилашнинг кечикишига олиб келиши, бу эса экологик ҳамда иқтисодий самарадорликни пасайиб кетишига таъсир этиш аниқланди.

Ушбу бурғилаш жараёнларда қўлланиладиган қобиқ ва идишлар (микрoкoнтeйнep) қудуқнинг деворларида салбий таъсир этмасдан ҳаракатланиши ва уларнинг ассимиляция зонасида жойлашиши магнит майдон таъсирида амалга оширилиши ҳамда нефть газ соҳасида бурғилашда фойдаланиш ривожланган давлатлар томонидан ўрганилган ва бугунги кунда кенг қўллаш тавсия этилган. Ушбу технологиялар нафақат назорат қилиш имконияти, балки маҳсулдорлик ва жараён самарадорлигининг ошириши ҳам экспериментал тарзда илмий исботланган.

Биз таклиф этаётган атроф муҳитга таъсири кам бўлган бурғилаш қоришмаларни ушбу микрoкoнтeйнep технологиясидан фойдаланган ҳолда қудуқнинг ассимиляция зонасига таъсир қилишнинг юқори аниқлигини ошириш орқали келиб чиқиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни олдини олиш ҳамда иқтисодий самарадорликни оширишга эътибор қаратилган.



7–расм. Микрoкoнтeйнepлар билан бурғилаш қоришмасидан фойдаланишда таклиф этилаётган технологияларни умумий кетма– кетлиги

1 – бурғилаш қоришмаларни қудуқ ичида; 2 – бурғилаш қоришмаларни микрoкoнтeйнepга хайдаш; 3 – микрoкoнтeйнepли капсулаларни ютилиш зонасига кўчириш; 4 – микрoкoнтeйнepли капсулаларни ютилувчи зонадаги мослашуви; 5 – бурғилаш қоришмаларни микрoкoнтeйнep ёрдамида айланма ҳаракатланишини тикланиши.

Биз ушбу соҳадаги илғор технологияларни ўрганиш натижасида атроф муҳитга таъсири кам бўлган турли бурғилаш қоришмаларни маҳаллий

хомашёлар ёрдамида композитларни олиш технологиясини ишлаб чиқдик ва самарадорлиги юқори микроконтейнерлар билан бўлган технологик мослаштирилиб нефть газ қудуқларни қуриш ва бурғилад жараёнларда хавфсиз фойдаланишни ошириш мақсадида технологик модернизация қилиш орқали амалиётда кенг қўллашга эришиш мумкинлигини тажриба синовлар асосида аниқланди.


Бугунги кунда бурғилад қоришмаларни сунъий интеллект тизимлари асосидаги технологиялар билан мослашувчанлигини ошириш нефть ва газ қудуқлари учун бурғилад жараёнида кимёвий қоришмаларни йўқолишини (қатлам сувларга кимёвий қоришмаларни чиқиши натижасида атроф муҳитга салбий таъсир этиш ҳолатлари) камайтириш мақсадида бурғилад жараёнларда содир бўладиган ўзгаришларни ўз вақтида огоҳлантириш имконини берди. Нефть ва газ қазиб чиқаришда фавқулодда вазиятларни олдини олиш учун интеллектуал автоматлаштирилган тизимлар билан мослаштирилган бурғилад қоришмаларни имкониятларини кенгайтириш қудуқларини қуриш ва улардан фойдаланишда жараёнларининг хавфсизлиги ва самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкинлиги аниқланишига эришилди.

Бурғилад қоришмаларини танлаш ва ажратишда масъул ходимлар томонидан (бурғилад устаси ва бурғилад уста ёрдамчиси) бурғиланаётган қудуқларни ишга тушириш ва ишлатиш жараёнида фавқулодда вазиятларни олдини олиш мақсадида атроф–муҳитга таъсири ва хавфсизлик қоидаларига ҳамда ишчи–ходимларни соғлиғини ҳисобга олган ҳолда бурғилад қоришмаси тизимларининг кенг қамровли хавфларини баҳолашга эришилди.

Бурғилад жараёнидаги ҳар қандай турдаги портлаш ёки фавқулодда вазиятларни келиб чиқишини олдиндан баҳолаш жараёнида бурғилад қоришмаларига катта эътибор қаратилиши барча ишлаб чиқарувчилар томонидан стандарт талабларда келтирилган ҳамда барча иш берувчилар учун мавжуд бўлиши керак. Ушбу амалга ошириладиган ишлар бурғилад қоришмалари ва ҳозирда ишлатилаётган аналог бурғилад қоришмалари ва кимёвий қўшимчаларнинг турли тоифалари ҳақида умумий маълумот бериш жараёнлари тадқиқ этилди. Бурғилад жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай тусдаги хавф–хатарларни эрта аниқлаш ва баҳолашда ишчи–ходимларни зарарланиш ҳолатлари аниқлашда қуйидаги ҳолатларнинг салбий омиллари ўрганилди. Бурғилад жараёнида бурғилад қурилмаларни ишлаш вақтида ишчи–ходимлар томонидан қувурларни улаш, коллоналарни йиғиш ва турли намуналар олиш ва бошқа технологик ишлар бажарилади. Бундан ташқари улар кимёвий моддалар асосидаги бурғилад қоришмаларни аралаштириш ва қўшиш, иш жараёнидаги намуналар йиғиш ва назорат қилиш учун жавобгар ҳисобланиб, бутун иш даврида хавфсизлик талабларига амал қилишлари талаб этилади. Бурғилад қоришмалардан фойдаланишда мутахассислар томонидан вақти–вақти билан унинг (адгезиясини) ёпишқоқлигини, зичлигини ва бошқа хусусиятларини таҳлил қилиш орқали хоссаларни текшириб боришнинг самарадорлик жиҳатлари тадқиқ қилинди.


Диссертациянинг **“Нефть ва газ қудуқларини бурғиладда юзага**

келиши мумкин бўлган ер ости ишлари портлаш қобилиятини баҳолаш” деб номланган тўртинчи бобида Нефть ва газ қудукларини бурғиладда юзага келиши мумкин бўлган фаввораларни бартараф этиш жараёнида ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларининг ёнғиндаги ҳаракатлари очик газли ва нефть фаввораларини бартараф қилишни ташкилаштириш ва хавфсиз иш юритиш йўриқномаси асосида ёнғин хавфсизлиги штабнинг буйруқ ва кўрсатмаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширди. Углерод оксиди (CO) портловчи учбурчаги 8.–расмда кўрсатилган. Атмосферадан олинган газ аралашмаси намуналарини таҳлил қилиб, диаграммадаги ҳолатда кўрсатилган.



8 – расм. Углерод оксиди (CO) портловчи учбурчагининг таҳлили

Кауарда диаграммаси газ аралашмасининг портлаш қобилиятини аниқ белгилаши мумкин, аммо уни жуда қисқа вақт оралиғида *r* ичида газ аралашмасининг портлаш қобилиятини баҳолаш учун ишлатиб бўлмайди ва у хавфсизлик чегараси ҳақида маълумот бермайди. Бу газ аралашмаси ҳолати нуқтаси портловчи зонага қандай яқинлигини кўрсатади. Конларининг ҳажмида газ алмашинуви қуйидаги учта газ тоифасидан иборат. Булар метан оқими, инерт газ (N₂) оқими ва тоза ҳаво оқими. Буларнинг барчасини Кауарда портлаш диаграммасида яхши ифодалаш мумкин. Ҳолат нуқтасининг йўналишлари ёнувчан газ, кўпроқ ҳаво ёки кўпроқ инерт газ қўшилиши билан силжиши мумкинлиги таҳлилий тажриба натижалари 9 –расмда келтирилган.




9 – расм. Кауарда худуди тасвири баён этилган

Ҳаво ўтказмайдиган атмосферани ифодаловчи нуқта ҳозирги ҳолат нуқтасини 100 % ёнувчанлик нуқтаси билан боғлайдиган чизиқ бўйлаб ҳаракатланади.

Ушбу 10 – расмда кўрсатилган зоналар учун "критик" нисбати таҳлил қилинди: (А) хавfli бўлмаган, аммо бу худуддаги ҳолат нуқтаси ўзига хос хусусиятга эга худудда жойлашган газ намунаси кўрсатилган. Бу расмда "С"

нуқтасида кўрсатилганидек, газ намунаси портловчи учбурчакнинг чегарасига ўтиши мумкин бўлган "критик" вазият бўлиши керак.

Нефть ва газ бурғилаш қудуқ газининг портлаш диаграммаси



10 – расм. Портлаш ҳудудлари бўйича зоналарга ажратиш графиги

Шунинг учун бу зонадаги "критик" нисбат тоза ҳаво оқимининг метан оқимининг тезлигига тенгдир. Бу нисбат "критик" дан каттароқ бўлиши билан, бу газ нуқтаси учбурчак томон силжиши мумкинлигини кўрсатади ва бундай кон атмосфераси учун назорат чоралари самарасиз бўлади. Натижада фосфор сақлаган крахмал, оксидланган крахмални Авария содир бўлган жойни тозалашдан мақсад қудуқ оғзини турли ускуна ва металл конструкциялардан ажратиш ҳисобланади.

Таклиф этилган бурғилаш суяқликларни иқтисодий самарадорлиги юқори эканлиги ҳисоблаб чиқилди. Оксидланган крахмал асосидаги ва Модификацияланган фосфор сақлаган бўкувчан крахмал бурғилаш қоришмаларини аномал қатлам шароитли қудуқларда бурғилаш жараёнида сувсизланиш даражаси 4–6 % га, қувурларни коррозияланиш даражаси 90 % га яхшилаш асосида содир бўлиши мумкин бўлган авария, сиқилиш, қатламга қоришманинг сингиб кетиши каби салбий омилларнинг олдини олиш ва қурилманинг иш режимини бошқариш асосида ишлаб чиқилган. Аналоглар натрий–карбоксиметилцеллюлоза (КМЦ, Na–КМЦ) 1 кг 30000 сўм, карбоксиметилцеллюлоза КМЦ 1кг 28000 сўмни ҳамда Гидроксиэтилцеллюлоза НЕС (ГЭЦ) 1кг 115000 сўмни ташкил этган ва аналоглар билан таққосланганда иқтисодий самарадорлиги юқорилиги аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

“Аномал қатлам шароитида қудуқларни бурғилаш жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни олдини олиш усулларини такомиллаштириш” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси илмий даражаси учун ёзилган диссертация асосида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Таркибида оксидланган крахмал ва фосфор сақлаган бўкувчан крахмал полимер композитлар асосида бурғилаш қоришмаларни янги таркибларни ИҚ–спектроскопияси, термогравиметрик (ТГ), (ДТА) таҳлили ва СЕМ ҳамда элемент таҳлил усуллари ёрдамида композит структурасини ҳосил қилиши

жараёнларни морфологик ўзгаришлари, моддаларни бир бири билан аралаштириш хусусиятига эга эканлиги ўрганилишига эришилди.

2. Нефть ва газ қудуқларини бурғилашда қўлланиладиган янги таркибли оксидланган крахмал, таркибида фосфор сақлаган бўкувчан крахмал, янги таркибларнинг термик барқарорлиги тадқиқ этилди, натижада экзотермик таъсир ДТА 356,4 °С 382 °С, 400 °С ва 480 °С ҳароратларда тўртта иссиқлик чиқиши билан борадиган ҳолат аниқланди.

3. Нефть ва газ фаввора ускунасининг ишдан чиқишида юзага келиши мумкин бўлган портлаш ҳодисаларининг оқибатларини ҳисобланган баҳолаш “Ёқилғи–ҳаво аралашмаларининг фавқулодда портлашлари оқибатларини баҳолаш методикаси” бўйича амалга оширилди. Ёқилғи–ҳаво аралашмалари портлашларида ҳаво зарба тўлқинларининг кўрсаткичларини миқдорий баҳолаш амалга оширилди.

4. Нефть ва газ фаввораларида содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин майдонини ўчириш тезлигини ҳисоблаш ёнғин майдонининг қийматини очиқ ёниш вақтига бўлиш йўли билан амалга оширилди. Ёнғинни ўчиришнинг оралиқ тезлигини ҳисоблаш ёнғин майдонининг қийматини очиқ ёниш вақтига ва ёнғинга қарши воситаларнинг (дастакларнинг) умумий сонига бўлиш йўли билан амалга оширилди.

5. Ўтказилган тадқиқот натажасида ҳалқали тор тирқиш бўйича қудуқни фавворасизлаштиришда қудуқнинг эквивалент диаметри нефть маҳсулотининг оқиб чиқиш майдони бўйича ҳисоблаб чиқилди. Яхлит шаклдаги нефть ва газ фаввораларини ўчириш учун 6–8 метрдан узоқ бўлмаган, лекин 15 м дан яқин бўлмаган масофада, 210 – 2700 ёй бўйича шамол эсаётган томондан, қудуқ оғзи атрофига бир хил масофада насадқасининг диаметри 25–28 мм бўлган лафет дастаклари жойлаштириш, содир бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш каби омилларнинг самарадорлик жиҳатлари аниқланишига эришилди.

6. Нефть ва газ фаввораларида содир бўлиши ёнғинни сўндириш мураккаблигининг индексини ҳисоблаш вазиятни мураккаблиги коэффиценти қийматларини, асосий тактик бирликларнинг умумий сонини, ёнғин майдонини, стандарт интенсивликнинг ошиб кетишини ва очиқ ёниш вақтини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.

7. Аварияларнинг юзага келиши ва ривожланиши сценарийларини аниқлаш оқибатларнинг қўлами ва оғирлигига қараб, аварияларнинг босқичма–босқич ривожланишини таъминлайдиган схематик диаграмма ёрдамида амалга оширилиши, ҳар бир фавқулодда вазият ривожланиш босқичларига эга бўлиши, маълум шартлар комбинациясида у тўхтатилиши (маҳаллийлаштирилиши) ёки юқори даражага кўтарилиши мумкинлиги инobatга олинди. Шу билан бирга, портловчи ва ёнғинга хавфли ва захарли моддаларнинг максимал ҳажмини шакллантириш ва энг катта зарарга олиб келадиган максимал гипотетик авариялар (МГА) кўриб чиқилди. Технологик қурилмаларда аварияларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган сабаб ва омиллар олдини олишнинг оптимал вариантлари таклиф этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 40/29.12.2022.Т.129.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ МИНИСТЕРСТВА ПО
ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ СИТУАЦИЯМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**

СОХИБОВ ДИЛШОД ЗАЙНИДДИНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ
ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЙ, КОТОРЫЕ МОГУТ
ВОЗНИКНУТЬ В ПРОЦЕССА БУРЕНИЯ СКВАЖИН В
АНОМАЛЬНЫХ ПЛАСТОВЫХ УСЛОВИЯХ**

**05.10.02 – Безопасность в чрезвычайных ситуациях. Пожарная, промышленная,
ядерная и радиационная безопасность**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Ташкент–2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № В2024.4.PhD/Т3071.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.akademiya.fvv.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Муртазаев Кувондик Мустафаевич
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Бекназаров Хасан Саибназарович
доктор технических наук, профессор

Сабилов Эркабай Эркинбаевич
доктор философии (PhD) по техническим наукам, доцент

Ведущая организация:

Каршинский инженерно-экономический институт

Защита диссертации состоится “___” _____ 2025 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.40/29.12.2022.Т.129.01. по присуждению ученых степеней при Академии Министерства по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан (Адрес: 100102, Ташкент, ул.Дустлик, д.5. Тел.: (99871)258-56-57; e-mail: info@akademiya.fvv.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии Министерства по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан (зарегистрирована за № _____). (Адрес: 100102, Ташкент, ул.Дустлик, д.5. Тел.: (99871) 258-56-57, e-mail: info@akademiya.fvv.uz).

Автореферат диссертации разослан “___” _____ 2025 г.
(реестр Протокола рассылки № _____ от “___” _____ 2025 г.).

Б.Т.Ибрагимов

Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

Х.М.Дусматов

Учёный секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.х.н.,
доцент

Р.И.Исмаилов

Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Обеспечение безопасности окружающей среды и жизни людей является одной из самых актуальных проблем в мире, поскольку аварии, пожары и взрывы в нефтегазовой отрасли приводят к чрезвычайным ситуациям техногенного характера. Согласно проведенному анализу, в развитых странах ежегодно происходит около 1600 несчастных случаев, в результате которых гибнут и получают травмы люди. Это требует совершенствования методов предупреждения чрезвычайных ситуаций, которые могут возникнуть в сфере бурения нефтяных и газовых скважин.

В связи с этим с целью совершенствования методов предупреждения аварийных ситуаций при бурении скважин проведено исследование оптимального состава модифицированных буровых смесей на основе окисленного крахмала, полифосфата аммония, карбоната кальция и крахмала.

Особое значение приобретает совершенствование методов предотвращения различных потерь на основе определения физико-химических и механических свойств получаемых буровых растворов, изучения механизма их воздействия на коррозию трубопроводов, окружающую среду и работающий персонал.

В нашей республике достигаются научные и практические результаты по созданию модифицированных буровых смесей на основе окисленного крахмала и полифосфата аммония, карбоната кальция и крахмала, способных замещать импорт и сохранять высокие физико-механические свойства, повышать эффективность бурения нефтяных и газовых скважин. В «Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы» конкретно определены приоритетные направления развития экономики и вопросы дальнейшего ускорения производства высококачественной готовой продукции, получения новых видов продукции, смены видов технологий на основе глубокой переработки местного сырья. В связи с этим актуальным является производство буровых растворов на основе местного сырья и совершенствование методов предупреждения аварийных ситуаций, которые могут возникнуть при бурении скважин в аномальных пластовых условиях.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. В последние годы в Республике Узбекистан и за рубежом ряд ученых проводили научные исследования, занимаясь проблемами и научными разработками бурения нефтяных и газовых скважин.

Зарубежные ученые Б.С.Баранов, В.Д.Городнов, С.Ю.Жуховицкий, И.И.Климашкин, Уолтер Ф.Роджерс, Н.Г.Аветисян, Б.А.Андресон, Дж.Р.Грей, С.Г.Дарли, Ю.Г.Доценко, Б.Ф.Егоренко, К.Ф.Жигач, Э.Г.Кистер, Г.В.Конесев,

В.Н.Кошелев, Н.Н.Круглицкий, Б.Б.Кудряшов, Н.И.Крысин, М.Р.Мавлютов, В.С.Новиков, Н.И.Рылов, А.И.Пеньков, В.Н.Поляков, А.Н.Попов, Г.И.Фукс, И.Г.Юсупов, В.Г. Ясов и др.

В нашей республике проведен ряд научных исследований по изучению таких вопросов, как совершенствование методов бурения нефтяных и газовых скважин в аномальных пластовых условиях и предупреждение аварийных ситуаций, улучшение состава и свойств буровых смесей, разработка экономически и экологически эффективных технологий.

Данное направление развивается на основе исследований, проведенных в разные годы А.К.Рахимовым, А.Т.Джалиловым, С.С.Негматовым, Б.Т.Ибрагимовым, А.М.Муртазаевым, У.Д.Мамаджановым, А.А.Рахимовым, А.М.Аминовым, Т.К.Карабаевым, Ш.Х.Умедовым, А.А.Рауповым, Т.П.Эшпулатовым, Б.Р.Пулатовым, Ф.Н.Нуркуловым и др.

В целях предупреждения аварийных ситуаций и снижения негативных последствий при бурении нефтяных и газовых скважин созданы новые образцы химических составов, составляющих основу буровых смесей, и изучены их механические свойства.

Однако одной из главных задач является совершенствование методов предотвращения возможных аварийных ситуаций за счет снижения негативного воздействия буровых растворов на окружающую среду, коррозию металлов и работающих.

